



**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ
13 – сонли баёни**

Манзил: Ўзмилийбанк Бош офиси, Тошкент
шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 101-уй.

2022 йил “28” май
Иш вақти: 10:00 – 11.00

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (кейинги ўринларда – Ўзмилийбанк) акциядорларининг 2021 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазириликнинг Давлат иштирокидаги тижорат банкларини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш департаменти директори Абдушукуров Жамшид Абдигалипович очди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Банк Кузатув кенгаши томонидан кенгашнинг 06.05.2022 йилдаги 17-сонли мажлис баёнлари, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзмилийбанкнинг Уставига мувофиқ, Ўзмилийбанк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини 28.05.2022 йилда чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибларга мувофиқ, умумий йиғилишни ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби тўғрисидаги хабар 10.05.2022 йилда Банкнинг расмий веб-сайтида, Корпоратив маълумотлар ягона порталида ҳамда “Правда Востока” газетасининг 2022 йил 12 майдаги 93-сонида жойлаштирилиб, акциядорларнинг электрон почта манзилларига (е-хат орқали) юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 61-моддаси ҳамда Кузатув кенгашининг қарорига биноан, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини шакллантириш санаси 24.05.2022 йил этиб белгиланган.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 24.05.2022 йил ҳолатига шакллантирилган.

2022 йил 24 май ҳолатига банкнинг устав капитали **12 209 350 962 000** (*Ўн икки триллион икки юз тўққиз миллиард уч юз эллик миллион тўққиз юз олтмиш икки минг*) сўмни ташкил қилади ва у **12 209 350 962** (*Ўн икки миллиард икки юз тўққиз миллион уч юз эллик минг тўққиз юз олтмиш икки*) дона номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли эканлиги (кворумга эга эканлиги) бўйича сўз Санок комиссияси раиси – Анвар Халитовга берилди.

Ўзмиллийбанк акциядорларининг реестрига кўра, Санок комиссияси томонидан 24.05.2022 йил ҳолатига йиллик умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга 12 209 350 962 дона оддий акциялар эгаси бўлган 2 (икки) та акциядор киритилганлиги маълум қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – **4 972 047 182** (*Тўрт миллиард тўққиз юз етмиш икки миллион қирқ етти минг бир юз саксон икки*) дона (**40,72%**) оддий акциялар ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **7 237 303 780** (*Етти миллиард икки юз ўттиз етти миллион уч юз уч минг етти юз саксон*) дона (**59,28%**) оддий акцияларга эгалик қилади.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди.

Санок комиссияси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг **12 209 350 962** донасига ёки 100,0 фоизига эгалик қилувчи 2 нафар акциядор ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлигини, Умумий йиғилиш ваколатли, кворумга эга эканлигини маълум қилди.

Йиғилишга раислик қилувчи Ж.Абдушукуров Ўзмиллийбанк акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини очик деб эълон қилиб, йиғилишда банк акциядорлари, Банк бошқаруви аъзолари ва банкнинг масъул департамент директорлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг:

Йиғилиш ҳайъати этиб: Ж. Абдушукуров, М. Норгитов

Йиғилиш котиби этиб: А. Халитов.

Санок комиссияси аъзолари этиб: А.Халитов, Д.Мўминов, А. Бахромовлар сайланишди.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банкнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, ўтказилган ташқи аудит ҳисоботларини эшитиш.

2. Банк тафтиш комиссиясини хулосасини эшитиш.

3. Банкнинг 2021 йилдаги соф фойдасини тақсимлаш.

4. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.

5. Ўзмилийбанк” АЖ устав капиталини ошириш ва банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш.

6. Банк Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

7. Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

8. Банк бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йил муддатга узайтириш.

Умумий йиғилишнинг иш тартиби қуйидагича белгилаб олинди:

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича ҳисобот ва ахборот бериш, музокараларда сўзга чиқиш, овоз бериш учун қуйидаги регламент ўрнатилди:

- Банк кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботини, 2020 йилда давомида банк томонидан эришилган молиявий кўрсаткичлар, амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш учун - 10 дақиқагача вақт бериш;

- Банк тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш учун - 10 дақиқагача;

- маърузалар бўйича муҳокамага – 10 дақиқагача;

- кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишга – 30 дақиқагача;

- кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш учун - 5 дақиқагача.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби ҳам белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** – “Банкнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи, ўтказилган ташқи аудит ҳисоботлари” бўйича Банк бошқарув Раиси А.Мирсоатов маъруза қилиб, йиғилиш иштирокчиларига банк томонидан 2021 йилда эришилган молиявий кўрсаткичлар, амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқларга батафсил тўхталиб ўтди.

Жумладан, 2022 йил 1 январ ҳолатига Ўзмилийбанк жами активлари **89,9 трлн.сўм**ни ташкил этиб, ўрнатилган режа кўрсаткичи 98,1% бажарилган. Олинган даромад **8,9 трлн.сўм**ни (режа 111 % га бажарилган), соф фойда кўрсаткичи **983,3 млрд.сўм**ни (режа 103 % га бажарилган) ташкил этди.

Ҳисобот санасига банк кредит портфели **74 трлн.сўм**ни ташкил этиб, ўтган йил давомида жами **25,2 трлн.сўм** кредитлар ажратилди.

2021 йил якунлари бўйича Активлар рентабеллиги 1,2 % ни (2020 йилда 1,6% ни ташкил этган), капитал рентабеллиги 6,8 % ни (2020 йилда 8,8% ни ташкил этган), операцион самарадорлик кўрсаткичи эса 31,9 % ни (2020 йилда 35,7% ни ташкил этган) ташкил этди.

Ўзмиллийбанк Марказий банк томонидан ўрнатилган барча меъёрий талабларни тўлиқ бажариб келмоқда. Жумладан, 01.01.2022 йил ҳолатига кўра:

- капитал етарлилиги коэффиценти - 21,8% (меъёр - 13%);
- ликвидлиликни қоплаш коэффиценти - 141,4% (меъёр - 100%);
- соф барқарор молиялаштириш коэффиценти - 106,9% (меъёр - 100%) ни ташкил этади.

Бошқарув раиси ҳисоботи бўйича акциядорлар вакиллари томонидан бир қатор саволлар берилди ва жавоб олинди.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** – “Банк тафтиш комиссиясини ҳулосасини эшитиш” бўйича Тафтиш комиссияси аъзоси Ф.Туляганов маъруза қилди. Жумладан:

-Тафтиш комиссияси текширувни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 107-моддаси ва банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2019 йил 25 декабрдаги 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомига асосан ўтказилганлигини;

-банк таркибида 01.01.2022 йил ҳолатига 68 та филиал (Бош банк билан), 4 та мини-банк, 43 та банк хизматлари кўрсатиш марказлари ва 86 та банкдан ташқари ташкил этилган кассалар мавжуд эканлигини;

-Банкнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МСФО) асосидаги аудит текшируви “Ernst & Young” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилганлигини қайд этди.

Муҳокама давомида “Ernst & Young” халқаро аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган раҳбариятга хат қисқа муддатда акциядорларга тақдим этилиши келишилди.

Кун тартибидаги **учинчи масала** – “Банкнинг 2021 йилдаги соф фойдасини тақсимлаш” юзасидан банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори Б.Т.Рихсиев сўзга чиқиб қуйдагиларни таъкидлади, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни талаблари, Банк кузатув кенгашининг 2022 йил 23 апрелдаги 14-сонли баёнида келтирилган тавсияларига асосан, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, омонатчи ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда “McKinsey & company” консалтинг ташкилоти билан ҳамкорликда ишлаб

чиқилган Ўзмилийбанкнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ва банк фаолиятини трансформация қилиш дастурида белгиланган режалардан келиб чиқиб, 2021 йил якуни бўйича олинган 983 326 434 572,15 сўм соф фойдани қуйидагича тақсимланишини таклиф қилди:

- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга – 49 166 321 728,61.сўм (5%);

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига асосан Адлия вазирлигининг юридик хизмати харажатларини қоплашга – 94 029 201 445,74.сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 105фм-сонли фармойишига асосан Самарқанд вилояти ҳудудларида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектларини миллий архитектурага мослаштирган ҳолда қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш тадбирларига – 8 000 000 000,00 сўм барча солиқларни ҳисобга олган ҳолда;

- Банк устав капиталида акциядорлар улушини оширишга (қўшимча акциялар чиқариш орқали) – 785 422 905 745,63 сўм (бунда 46 708 005 642,18 сўм солиқ тўловларига йўналтирилиши лозим бўлади).

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** – Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва қўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш, Банк қўшимча чиқарилаётган акцияларининг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ва акцияларни қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш бўйича Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори Б.Т.Рихсиев батафсил тушунтириб ўтди.

Шунга кўра, қуйидагича қарор қабул қилиш таклиф этилди:

“Ўзмилийбанк” АЖнинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 785 422 905 дона умумий қиймати 785 422 905 000 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз шаклдаги қўшимча акциялари чиқарилсин.

“Ўзмилийбанк” АЖнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

Ўзмилийбанкнинг қўшимча чиқарилаётган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича белгилансин:

➤ ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ обуна орқали Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига 465 598 698 дона ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 319 824 207 дона жойлаштирилади;

➤ ушбу чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун давомида жойлаштирилади;

➤ ушбу чиқарилиши белгиланган акциялар уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали жойлаштирилади;

➤ ушбу чиқарилишдаги акциялар 1000 (минг) сўмдан жойлаштирилади;

➤ ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов банкнинг 2021 йил якуни бўйича ҳисобланган дивиденд ҳисобидан амалга оширилади;

➤ ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун давомида қайтарилади.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** – бўйича Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори Б.Т.Рихсиев, бугунги кун тартибидаги учинчи масалада кўриб чиқилган банкнинг 2021 йил учун молиявий хўжалик фаолияти натижаларига кўра 785 422 905 000 сўм миқдоридagi соф фойдасини кўшимча акциялар чиқариш орқали устав жамғармасини оширишга қаратилганлигини инобатга олиб, Ўзмилийбанк уставига тегишли ўзгартиришлар киритилиши кераклигини таъкидлаб ўтилди.

Кун тартибидаги **олтинчи ва еттинчи** яъни Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш масалалари юзасидан, банкнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи А.Халитов акциядорлар томонидан берилган номзодлар бўйича маълумот берди.

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича Йиғилишга раислик қилувчи Ж. Абдушукуров сўзга чиқиб, Банк бошқаруви раиси ва бошқарув аъзолари томонидан банкнинг 2021 йилдаги фаолиятида эришилган молиявий кўрсаткичлар, амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва келгусида банкни трансформация қилиш жараёнида режалаштирилган ишлар ҳамда истиқболли кўрсаткичларга яна бир бор тўхталиб ўтиб, Банк Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаларини бир йилга узайтиришни масаласи кун тартибига киритилганлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижасига кўра, банк акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банкнинг 2021 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг йиллик ҳисоботи ҳамда “Ernst & Young” ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 та овоз.

“Ёқлайман” 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” 0 та овоз, “Бетарафман” 0 та овоз.

2. Банк тафтиш комиссияси хулосаси тасдиқлансин. Ўзмилийбанк АЖ тафтиш комиссияси тўғрисида низомга мувофиқ, тафтиш комиссияси аъзоларига банкнинг 2021 йилдаги фаолиятини ўрганиш бўйича тафтиш ўтказганлиги учун мукофот пули тўлансин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 та овоз.

“Ёқлайман” 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” 0 та овоз, “Бетарафман” 0 та овоз.

3. Ўзмилийбанк Бошқарувининг 2021 йил якуни бўйича соф фойдаси миқдори – **983 326 435 000,00** сўми ташкил этганлиги тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Соф фойдани тақсимлаш қўйидаги тартибда амалга оширилсин:

- Умумий мақсадли захирани шакллантиришга – 49 166 321 728,61.сўм (5%);

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига асосан Адлия вазирлигининг юридик хизмати харажатларини қоплашга – 94 029 201 445,74.сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 105фм-сонли фармойиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти ҳудудлари хокимликларининг мурожаат хатларига асосан Самарқанд вилоятидаги асосий йўналишларга тушган “Самарқанд халқаро аэропорти” ҳамда “Самарқанд туристик маркази” кўчалари ва улар атрофларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларга тегишли кўчмас мулк объектлари (Оқсарой, Жуйи чуқур, Конигул, Кўштамғали, Расадхона, Хўжақишлоқ, Юксалиш, Маърифат МФЙ ҳудудлари) ни миллий архитектурага мослаштирган ҳолда қайта таъмирлаш ва реконструкция қилиш тадбирлари – 8 000 000 000,00 сўм барча солиқларни ҳисобга олган ҳолда, бунда мазкур суммадан кам маблағлар ажратилиши ҳолатида, сумманинг ажратилмаган қисми банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисобрақамида қолдирилсин;

- Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг махсус қарори билан дивиденд шаклида тўлангунга қадар банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисобрақамида- **832 130 911 387,81** сўм қолдирилсин;

Овоз берилди: 12 209 350 962 та овоз.

“Ёқлайман” 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” 0 та овоз, “Бетарафман” 0 та овоз.

4. Соф фойданинг 832 130 911 387,81 сўми тақсимланмаган фойда ҳисоб рақамида қолдирилганлиги муносабати билан ушбу масала алоҳида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қайта кўриб чиқилсин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 та овоз.

“Ёқлайман” 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” 0 та овоз, “Бетарафман” 0 та овоз.

5. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор тасдиқланмаганлиги муносабати билан ушбу масала алоҳида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қайта кўриб чиқилсин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 та овоз.

“Ёқлайман” 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” 0 та овоз, “Бетарафман” 0 та овоз.

6. Кумулятив овоз бериш тартиби натижаларига кўра, Банк Кузатув Кенгаши аъзолари қуйидаги тартибда сайлансин:

№	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони
1.	Насритдинходжаев Омонулло Забихуллаевич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари	12 209 350 962
2.	Холхўжаев Саидқаххор Муҳаммадкарим ўғли	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари	12 209 350 962
3.	Мирзаев Мубин Мухитдинович	Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари	12 209 350 962
4.	Норгитов Мухитдин Журабоевич	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси юридик хизмати бошлиғи	12 209 350 962
5.	Рахимова Гулнора Хашимовна	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари	12 209 350 962
6.	Полетаев Максим Владимирович	“Русал” (Россия), мустақил аъзо	12 209 350 962
7.	Стюарт Лосон	мустақил аъзо	12 209 350 962

Банк Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи А.Халитов банк Кузатув Кенгаши аъзолари билан бирга 2022 йилнинг қолган даври учун Кузатув Кенгашининг иш режасини ишлаб чиқсин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 та овоз.
“Ёқлайман” 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” 0 та овоз, “Бетарафман” 0 та овоз.

7. Банк Тафтиш комиссияси таркиби қуйидагича сайлансин:

№	Комиссия аъзосининг фамилияси, исми ва	Эгаллаб турган лавозими
1.	Абдушукуров Жамшид Абдигалипович	Молия вазирлиги, департамент директори
2.	Досматов Фарход Муслмонович	Молия вазирлиги, департамент директори ўринбосари
3.	Мавлюдов Эльдар Хайратдинович	Тикланиш ва таррақиёт жамғармаси, бош мутахассиси
4.	Лолахонов Нодир Улугбекович	Тикланиш ва таррақиёт жамғармаси, бош мутахассиси

Овоз берилди: 12 209 350 962 та овоз.
“Ёқлайман” 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” 0 та овоз, “Бетарафман” 0 та овоз.

8. Банк бошқарув раиси – А.Мирсоатов ва бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномалари 1 (бир) йил муддатга узайтирилсин.

Овоз берилди: 12 209 350 962 та овоз.
“Ёқлайман” 12 209 350 962 та овоз, “Қаршиман” 0 та овоз, “Бетарафман” 0 та овоз.

Ўзмиллийбанк акциядорларининг
Йиллик умумий йиғилиши раиси


Ж.А. Абдушукуров

Йиғилиш котиби,
Банк корпоратив бошқарув
хизмати бошлиғи


А.Ю. Халитов